

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

31 май 2018 й.г. № 407

Тошкент ш. – г. Ташкент

**2018-2020 йилларда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон
Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга
оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини самарали амалга оширишни давом эттириш, меҳнат ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги миллий қонунларни такомиллаштириш, халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга ошириш бўйича 1-иловага мувофиқ таркибда Республика идоралараро комиссия тузилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларини амалга ошириш бўйича Республика идоралараро комиссиянинг (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) асосий вазифалари этиб белгилансин:

Халқаро меҳнат ташкилотининг (кейинги ўринларда ХМТ деб аталади) Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари нормаларини ижро этиш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари нормаларини ижро этиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг маърузаларини шакллантириш;

ХМТнинг баённомалари, тавсиялари, декларацияларини, шунингдек, бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва уларни миллий ҳуқуқ тизимига имплементация қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

меҳнат, бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш мавзулари бўйича йиллик шарҳлар, ахборотлар ва материаллар тайёрланишини ташкил этиш, шунингдек, уларни ХМТ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг турли тузилмалари эътиборига етказиш;

жамоатчиликни ва фуқароларни уларнинг меҳнат ва бандлик соҳасидаги ҳуқуқларидан хабардор қилиш тизимини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

ХМТ, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси, Халқаро иш берувчилар ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва ХМТга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари билан меҳнат ва бандлик масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш.

3. Қуйидагилар:

Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга ошириш бўйича Республика идоралараро комиссия тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

2018-2020 йилларда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга ошириш бўйича тадбирлар мажмуи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Комиссия (Т. Нарбаева):

ушбу қарор билан тасдиқланган Тадбирлар комплексини ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун амалий чора-тадбирлар кўрилишини;

меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан тизимли мониторинг олиб бориш асосида халқаро меҳнат стандартларини ХМТ назорат механизмининг ва республика халқаро мажбуриятларининг талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда бажариш бўйича Ҳукумат маърузалари шакллантирилишини;

ХМТнинг муносиб меҳнат бўйича Концепциясини самарали амалга ошириш мақсадида ХМТ, Жаҳон банки, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси, Халқаро иш берувчилар ташкилоти, бошқа хорижий, халқаро ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик давом эттирилишини;

ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари нормалари ва талабларининг ташкилотларда ижро этилиши устидан мониторинг олиб бориш ва назорат қилишга Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фаол жалб этилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар нормаларини қўллаш, мажбурий меҳнатга ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик масалалари бўйича аниқ мақсадга қаратилган ахборот-тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К. Нарбаева ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 31 майдаги
407-сон қарорига
1-илова

**Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан
ратификация қилинган конвенцияларини амалга ошириш бўйича
Республика идоралараро комиссия
ТАРКИБИ**

- | | | |
|-----|-----------------|--|
| 1. | Нарбаева Т. | – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари
– Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, <i>Комиссия раиси</i> |
| 2. | Кудбиев Ш. | – Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, <i>Комиссия раисининг ўринбосари</i> |
| 3. | Икрамов А. | – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси, <i>Комиссия раисининг ўринбосари</i> |
| 4. | Махмадалиев Б. | – Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари |
| 5. | Бектурдиев К. | – Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари |
| 6. | Холмухамедов М. | – Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари – Касб-ҳунар таълими маркази директори |
| 7. | Асадов Б. | – Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари |
| 8. | Ташкулов А. | – Адлия вазирининг ўринбосари |
| 9. | Пак В. | – Молия вазирининг ўринбосари |
| 10. | Ортиков А. | – Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари |
| 11. | Эргашев Р. | – Ички ишлар вазирининг ўринбосари |
| 12. | Баситханова Э. | – Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари |
| 13. | Хайтов А. | – Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси |
| 14. | Маруфова Г. | – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари |
| 15. | Таджиев О. | – Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари |
| 16. | Муратова Д. | – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори ўринбосари вазифасини бажарувчи |
| 17. | Сулайманов С. | – Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси бошлиғи |
| 18. | Исаев М. | – Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аппарати бўлими мудири |

19. Омонов Ф. – Савдо-саноат палатасининг Тадбиркорлик асосларига ўқитишни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи
20. Алимухамедов Б. – Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ХМТ билан ишлаш ва халқаро алоқалар бўйича шуъбаси бошлиғи, *Комиссиянинг масъул котиби*

Изоҳ. *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу ливозимларга янги тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 31 майдаги
407-сон қарорига
2-илова

**Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси
томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга
ошириш бўйича Республика идоралараро комиссия тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга ошириш бўйича Республика идоралараро комиссиянинг (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) мақомини, асосий вазифаларини ва функциялари, ҳуқуқларини ҳамда жавобгарлигини, шунингдек, фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Комиссия Халқаро меҳнат ташкилотининг (кейинги ўринларда ХМТ деб аталади) Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари нормаларини амалга ошириш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

Комиссия Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенциялари ижросини таъминлаш, шунингдек, ХМТ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва амалий мулоқотни мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ролини кучайтириш ва жавобгарлиги даражасини ошириш мақсадида ташкил этилади.

3. Комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорлар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилиши мажбурийдир, нодавлат нотижорат ташкилотлари учун эса тавсиянома хусусиятига эга.

4. Комиссия ўз ишида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

2-боб. Комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенциялари нормаларини амалга ошириш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенциялари нормаларини амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати маърузаларини шакллантириш;

ХМТ баённомалари, тавсиялари, декларациялари, шунингдек, бошқа ҳужжатларини ўрганиш ҳамда уларни миллий ҳуқуқ тизимига имплементация қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

меҳнат ва бандлик мавзулари бўйича йиллик шарҳлар, ахборотлар ва материаллар тайёрлашни ташкил этиш, шунингдек, уларни ХМТ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (кейинги ўринларда БМТ деб аталади) турли тузилмалари эътиборига етказиш;

жамоатчилик ва фуқароларни меҳнат ҳамда бандлик соҳасидаги ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш тизимини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш;

меҳнат ва бандлик соҳасида ХМТ, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси, Халқаро иш берувчилар ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва ХМТга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари билан ҳамкорлик қилиш.

5. Комиссия ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

а) Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенциялари нормаларини амалга ошириш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенциялари нормаларини ижро этиш борасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

меҳнат тўғрисидаги қонунлар талабларига риоя этиш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таҳлил қилади;

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенциялари нормаларини амалга ошириш натижалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенциялари нормаларини амалга ошириш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ижобий иш тажрибасини умумлаштиради ва оммалаштиради, уларга ташкилий-методик ёрдам беради;

меҳнат ва бандлик соҳасидаги асос бўлувчи принциплар ва ҳуқуқларни амалга оширишга, шу жумладан, касаба уюшмаларига бирлашиш эркинлигига доир ҳуқуқни амалда эътироф этишга, жамоавий музокаралар ўтказишга, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатидан фойдаланишни бартараф этишга, меҳнат ва бандлик соҳасида таҳқирланишга йўл қўймасликка қаратилган чора-тадбирларни амалиётда рўёбга чиқариш бўйича хатти-ҳаракатларнинг аниқ механизмларини ва стратегиясини белгилайди;

б) Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенциялари нормаларини амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати маърузаларини шакллантириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенциялари, тавсиялари, декларациялари ва бошқа ҳужжатлари нормаларини, Халқаро меҳнат конференцияси ва унинг қўмиталари қарорларини амалга ошириш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳисоботларини кўриб чиқади ва умумлаштиради;

турли халқаро ва хорижий ташкилотлар, ХМТга аъзо мамлакатларнинг меҳнат ва бандлик соҳасидаги конвенциялари ва тавсияларини қўллаш бўйича ХМТ Экспертлар қўмитасининг тўғридан-тўғри сўровларини ўз вақтида кўриб чиқишга доир ишларни тегишли ахборотни тайёрлаган ҳолда олиб боради;

ХМТ конвенциялари ва тавсиялари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг маърузаларини шакллантиради, халқаро конференциялар, мажлислар, маслаҳатлашувлар ва бошқа тадбирларда иштирок этади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ва бандлик соҳасидаги нуқтаи назарини баён қилади;

в) ХМТ баённомалари, тавсиялари, декларациялари ва бошқа ҳужжатларини ўрганиш ҳамда уларни миллий ҳуқуқ тизимига имплементация қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш соҳасида:

Халқаро меҳнат конференцияси ва унинг қўмиталари сессияларида қабул қилинган қарорлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасини меҳнат тўғрисидаги миллий қонунларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар тайёрлаган ҳолда хабардор қилади;

фуқароларнинг, шу жумладан, вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ҳолати ўрганилиши ва умумлаштирилишини ташкил этади;

меҳнат ва бандлик соҳасида тадқиқотлар олиб борилишини ташкил этади;

норасмий секторни расмийлаштириш, барчани муносиб иш билан таъминлаш, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг барча шакллариغا, меҳнат ва бандлик соҳасида камситишнинг энг номақбул шакллариغا барҳам бериш каби ХМТ фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича тадқиқотлар ва ўрганишларни ташкил этади;

барча минтақаларда ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг тўғри қўлланилиши устидан назоратни амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига амалий ва техник кўмак беради;

г) меҳнат ва бандлик мазулари бўйича йиллик шарҳлар, ахборотлар ва эълонлар тайёрлашни ташкил этиш, шунингдек уларни ХМТ ва БМТнинг турли тузилмалари эътиборига етказиш соҳасида:

республикадаги меҳнат ва бандлик соҳасидаги шарт-шароитлар ҳолати тўғрисида халқаро ташкилотлар ва ОАВ хулосаларининг ҳамда мавзуга доир материалларнинг муҳокамасини ташкил этади;

меҳнат ва бандлик соҳасида олиб борилаётган ишлар ва эришилган ютуқлар тўғрисида йиллик шарҳлар, ҳисоботлар, таҳлилий материаллар ва мақолалар тайёрлайди;

республиканинг халқаро имижини яхшилаш бўйича таъсирчан ва асосланган чора-тадбирлар кўради, буни, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларини республиканинг ижобий тажрибасини татбиқ этишда ўзаро ҳамкорлик қилишга ва биргаликда ишларни бажаришга таклиф қилиш орқали амалга оширади;

ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга ошириш учун масъул бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини такомиллаштириш учун илмий доиралар вакиллари, миллий ва хорижий экспертларни жалб қилади;

д) жамоатчилик ва фуқароларни меҳнат ва бандлик соҳасидаги ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш тизимини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш соҳасида:

меҳнат ва бандлик соҳасида тадқиқотлар ўтказишга доир чора-тадбирларни мувофиқлаштиради;

меҳнат ва бандлик соҳасида турли лойиҳаларни, шу жумладан, халқаро лойиҳаларни тайёрлашни ва амалда рўёбга чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиради;

меҳнат ва бандлик соҳасидаги масалаларни Вазирлар Маҳкамасига, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун киритади;

е) меҳнат ва бандлик соҳасида ХМТ, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси, Халқаро иш берувчилар ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва ХМТга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари билан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

меҳнат ва бандлик соҳасидаги халқаро шартномаларда, БМТ ва ХМТ конвенцияларида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар ва хулосаларни ишлаб чиқиш борасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ишларини мувофиқлаштиради;

меҳнат ва бандлик соҳасида мунозаралар ўтказиш учун конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этади;

ХМТ конвенцияларини имплементация қилиш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади;

ХМТ конвенцияларини тўлиқ амалга ошириш учун халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш бўйича таклифларни шакллантиради;

ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини бажариш бўйича республикада олиб борилаётган ишларнинг мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда ҳолисона ёритилишини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқади.

3-боб. Комиссиянинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

6. Комиссия ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун:

Комиссия ваколатига кирадиган масалалар ҳақидаги ахборотни давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Комиссия ваколатига кирадиган меҳнат ва бандлик соҳасидаги масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилашга қаратилган қарорлар қабул қилиш;

меҳнат соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар кўлами, ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни таҳлил қилиш натижалари бўйича ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга оширишга доир ишларни яхшилашга, шунингдек, меҳнат ва ижтимоий шериклик тўғрисидаги миллий қонунларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар киритиш;

фуқароларнинг меҳнат ва бандлик соҳасидаги, шунингдек, бирлашиш ва жамоавий музокаралар юритишга доир ҳуқуқларини таъминлаш бўйича фаолият олиб борадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг хулосалари ва маърузаларини эшитиш;

Комиссия фаолиятига доир масалалар бўйича таклифларни ўрганиш ва тайёрлаш учун иш ва (ёки) эксперт таҳлил гуруҳлари ташкил этиш, шунингдек, мутахассислар ва илмий ходимларни ушбу гуруҳларда ишлашга жалб қилиш;

республикада мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатидан фойдаланиш масалалари бўйича ишларнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш мақсадида вазиятли таҳлил ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ва бандлик ҳамда ижтимоий шериклик соҳасидаги шарт-шароитларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқий эга.

7. Комиссия:

ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини бажаришга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини ижро этиши;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан самарали назорат ва мониторинг олиб бориши шарт.

4-боб. Комиссия ишини ташкил этиш тартиби

8. Комиссия доимий тарзда фаолият олиб боради ва ўз мажлисларини заруратга қараб, бироқ бир чоракда камида бир марта ўтказди.

9. Комиссиянинг қарорлари мажлисда иштирок этаётган Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолса Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

10. Комиссиянинг қарорлари мажлисда иштирок этган Комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади ва Комиссия раиси ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

12. Ишчи орган:

Комиссия фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлайди;

Комиссиянинг иш режасини ишлаб чиқади, ушбу режа бажарилишини назорат қилади, шунингдек, Комиссиянинг жорий ишларини тасдиқланган режага мувофиқ ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан баргаликда Комиссиянинг қабул қилинган қарорлари ижро этилишини назорат қилади, унинг натижалари бўйича Комиссия раисига тегишли ахборот ва таклифлар киритади;

тушаётган хат-хабарларни кўриб чиқади ва Комиссия ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар тайёрлайди;

ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга оширишга ҳамда меҳнат ва бандлик соҳасидаги бошқа масалаларга бағишланган конвенциялар, форумлар, семинарлар ва тренинглар ўтказиш, меҳнат органлари ходимларини ХМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган тадбирларда иштирок этиш учун хорижга юбориш, шунингдек, меҳнат соҳасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун экспертларни жалб қилиш чора-тадбирларини, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширади;

ХМТ конвенциялари амалга оширилишини такомиллаштириш, ХМТ, Халқаро иш берувчилар ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар тайёрлашни ва киритишни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 31 майдаги
407-сон қарорига
3-илова

**2018-2020 йилларда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси
томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга ошириш бўйича
ТАДБИРЛАР МАЖМУИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Амалга ошириш шакли	Масъул бажарувчилар
I. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенцияларига мувофиқ миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш				
1	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 225-моддасида назарда тутилган тартиботга мувофиқ аёллар учун қўлда оғир юк кўтариш ва ташиш бўйича чекланган нормаларни қайта кўриб чиқиш ва унга ўзгартишлар киритиш.	2018 йил III чораги	Бажарувчиларнинг қўшма қарори	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси
2	Меҳнат тўғрисидаги қонунлар, шу жумладан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенцияларига мувофиқлиги юзасидан қайта кўриб чиқиш мақсадида хатлов ўтказиш.	2018 йил IV чораги	Таҳлилий ахборот	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи
3	Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш имкониятини ўрганиш: Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз берганда меҳнат қилувчиларга тоғон тўлаш тўғрисидаги 17-сонли; Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сонли; Меҳнат қилувчилар – мигрантлар тўғрисидаги 97-сонли (қайта кўриб чиқилган);	2018-2020 йиллар	Таҳлилий ахборот	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Амалга ошириш шакли	Масъул бажарувчилар
	Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-сонли; Ҳақ тўланадиган таътилар тўғрисидаги 132-сонли (1970 йилда қайта кўриб чиқилган); Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига қўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-сонли; Оилавий мажбуриятлари билан меҳнат қилувчилар тўғрисидаги 156-сонли; Касаначилик тўғрисидаги 177-сонли; Оналикни асраш тўғрисидаги 1952 йилги конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги 183-сонли; Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига қўмаклашувчи асослар тўғрисидаги 187-сонли; Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенцияга 2014 йилги қўшимча протокол*. (*Ўрганилиши назарда тутилган конвенциялар рўйхати Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга ошириш бўйича Республика идоралараро комиссияси қарорига кўра ўзгартирилиши ва тўлдирилиши мумкин).			
II. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенцияларини бажариш				
4	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари (кейинги ўринларда ННТ деб аталади) томонидан ўз фаолияти соҳасида мажбурий меҳнат хавф-хатарларининг олдини олиш учун чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилишини таъминлаш.	Ишлаб чиқиш – 2018 йил июнь-август, амалга ошириш – 2018-2020 йиллар	Мажбурий меҳнат хавф-хатарларининг олдини олиш бўйича комплекс тадбирларнинг идоравий режаси	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши,

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Амалга ошириш шакли	Масъул бажарувчилар
				Савдо-саноат палатаси, “Маҳалла” фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
5	Мехнат ва бандлик соҳасидаги асос бўлувчи принциплар ва ҳуқуқларга риоя этилиши бўйича чора- тадбирлар ва миллий мониторинг тизимини ХМТ методологияси ва воситаларидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш.	Ҳар йили белгиланган муддатларда	Мониторинг дастури ва текширишлар жадвали	Болалар меҳнати масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
6	Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ўзаро алоқа миллий механизмининг институционал ва техник салоҳиятини мустаҳкамлаш.	2018-2020 йиллар	Ўзаро алоқа механизми тўғрисида низом	Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси
7	Мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг давоматини назорат қилишга, спорт секциялари, тўғараклар ва қўшимча машғулотлар ташкил этиш орқали уларнинг ўқишдан ташқари бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлашга доир махсус чора-тадбирларни такомиллаштириш.	Ҳар йили белгиланган муддатларда	Тадбирлар режаси	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи,

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Амалга ошириш шакли	Масъул бажарувчилар
				Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
8	Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ва Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенцияларини ўрганишга қаратилган махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда мактабларда (юқори синф ўқувчилари учун), академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида, малака ошириш институтларида жорий этиш.	2018-2020 йиллар	Бажарувчилар қарори	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази
III. ХМТ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш				
9	Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 29, 47, 52, 87, 98, 100, 103, 105, 111, 122, 135, 138, 154, 182-сон конвенциялар бўйича ХМТга асосланган ахборот тақдим этиш.	ХМТ Уставига мувофиқ	Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенция- ларини бажариш тўғрисида ҳар йили янгилаб бориладиган ахборот	Республика идоралараро комиссия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
10	Халқаро касаба уюшмалари конфедерцияси билан ҳамкорликни, шунингдек, Шарқий Европа ва Марказий Осиё учун ХМТ Бюросининг жавобгарлик зонасига кирадиган мамлакатларнинг касаба уюшмалари марказлари билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Халқаро касаба уюшмалари конфедерциясига тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши ҳақидаги масалани кўриб чиқиш.	Тасдиқлаш – 2018 йил III чораги амалга ошириш – 2018-2020 йиллар	Халқаро касаба уюшмалари конфедерцияси билан ҳамкорлик бўйича меморандум	Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Амалга ошириш шакли	Масъул бажарувчилар
11	ХМТга: уч томонлама миллий ижтимоий мулоқотни институционализация қилишда; “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенциялари ва уларни амалга ошириш вазифалари” мавзусида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари вакиллари, фермерлар, касаба уюшмалари ва ОАВ вакиллари учун маҳаллий даражада семинарлар ташқил этишда эксперт кўмак бериш.	2018 йил III чораги 2018-2020 йиллар	Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини амалга ошириш режаси	Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
12	“Қишлоқ хўжалигида меҳнатни муҳофаза қилиш” лойиҳасини амалга ошириш.	2018-2020 йиллар	Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини амалга ошириш режаси	Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши
13	Коллектив шартномаларга киритиш учун тавсиялар сифатида Кодификацияланган базавий ижтимоий пакетни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Ишлаб чиқиш – 2018 йил IV чораги, тасдиқлаш – 2019 йил I чораги	Ташкилотларда қўллаш учун тавсия этиладиган ижтимоий кафолатлар рўйхатиغا эга бўлган Кодификацияланган базавий ижтимоий пакет	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси
14	Меҳнат ва бандлик соҳасидаги асос бўлувчи принциплар ва ҳуқуқларни амалга оширишда иш берувчилар ташкилотларининг ролини ошириш борасида Халқаро иш берувчилар ташкилоти билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар олиб бориш.	2018 йил II-III чораги	Иш режаси	Савдо-саноат палатаси, Ташқи ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Амалга ошириш шакли	Масъул бажарувчилар
IV. ХМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий ҳамкорлари салоҳиятини ошириш				
15	Туриндаги ХМТ ўқув марказида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш.	2018-2020 йиллар	ХМТ билан келишилган ҳолда малака ошириш дастурлари	Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
16	Куйидагилар учун меҳнат ва бандлик соҳасидаги асос бўлувчи принциплар ва ҳуқуқларга риоя қилиш масалалари бўйича аниқ мақсадга қаратилган семинарлар ўтказиш: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар, ички ишлар органлари, прокуратура ходимлари: олий, ўрта махсус таълим муассасалари ходимлари ва талабалари; соғлиқни сақлаш муассасаларининг тиббий ва тиббий бўлмаган ходимлари; мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, маданият муассасалари, мусиқа ва санъат мактаблари ходимлари.	Ҳар йили	Ўқитиш жадвали	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги
17	Фермерларни меҳнат тўғрисидаги халқаро ва миллий қонунлар бўйича ўқитишни ташкил этиш.	Тасдиқлаш – 2018 йил III чораги амалга ошириш – 2018-2020 йиллар	Ўқитиш жадвали	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Амалга ошириш шакли	Масъул бажарувчилар
18	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг қисқа муддатли ўқув дастурларига, шунингдек, институтларнинг ўқув дастурларига ва вазирликлар ва идоралар ҳамда ННТ малака ошириш курсларига: давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг; туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг, ҳокимлари ўринбосарларининг; таълим муассасалари раҳбарларининг; туман ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари вакилларининг; “Маҳалла” фонди ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари вакилларининг; Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят ва туман бошқармалари раисларининг; Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят ва туман кенгашлари вакилларининг малакасини оширишга йўналтирилган меҳнат тўғрисидаги халқаро ва миллий қонунлар бўйича таълим курсларини киритиш.	Тасдиқлаш – 2018 йил III чораги амалга ошириш – 2018-2020 йиллар	Ўқитиш жадвали	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
19	Ўрта махсус ва олий таълим муассасалари ўқувчилари учун “Меҳнат ҳуқуқи” ва “Халқаро меҳнат ҳуқуқи” фани бўйича дарсликлар тайёрлашни ва нашр этишни ташкил этиш.	2018-2019 йиллар	Дарсликлар нашр этиш	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси
20	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари учун меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги соҳасида қўлланмалар тайёрлаш ва нашр этиш.	2018 йил III-IV чораги	Қўлланмалар тайёрлаш ва нашр этиш	Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Касб-хунар таълими маркази, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддатлари	Амалга ошириш шакли	Масъул бажарувчилар
21	Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва касаба уюшмалари тизими мутахассислари учун меҳнат ва бандлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш ҳамда нашр этиш.	2018 йил IV чораги	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами	Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши
V. ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишлари				
22	Республика аҳолисининг миллий ва халқаро меҳнат стандартлари бўйича хабардорлигини ошириш юзасидан ахборот-тушунтириш кампанияси концепциясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш.	Тасдиқлаш – 2018 йил III-IV чорак- лари, амалга ошириш– 2018-2020 йиллар	Бажарувчиларнинг қўшма қарори	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, идоралар ва ННТ
23	ХМТ Котибияти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси, Халқаро иш берувчилар ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун ХМТ Бюроси ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари таклиф қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенцияларини амалга ошириш бўйича семинарлар, конференциялар (ёки хорижий шерикларни жалб қилган ҳолда бошқа тадбирлар) ўтказиш.	2018-2020 йиллар	Семинар, конференция ўтказиш дастури	Бандлик ва меҳнат м уносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
24	Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида қўйидаги саналарда давра суҳбатлари ташкил этиш ва ўтказиш: 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни; 12 июнь – Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши курашиш куни; 7 октябрь – Бутунжаҳон муносиб меҳнат куни.	Ҳар йили	Давра суҳбати дастури	Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар